Гос. книжная палата УзССР
9 10 98



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 25 июнь, пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 127 (1908)



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ ИСРОИЛДА ЧОП ЭТИЛДИ



*Ўтган ҳафта охирида Тель-Авив — Тошкент авиақатновининг биринчи йўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган Мотл Обронскага аэропортда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Исроилдаги ваколатхонаси ходимлари томонидан кутилмаган совға берилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби эди. Рус тилини ҳам, ўзбек тилини ҳам билмайдиган Мотл учун уни ўқиш қийин бўлмади, чунки Ўзбекистон Президентининг мазкур китоби иврит тилида Исроилда нашрдан чиққан эди.*

Нашрни босмага тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлатидаги элчихонаси, шунингдек, Исроил саноатни ривожлантириш банки директорлар кенгаши раиси Шломо Борохов ва «Исроил-Ўзбекистон» дўстлик ва алоқаларни ривожлантириш ассоциациясининг раиси Олег Якубов иштирок этдилар.

Бир неча кун илгари Тель-Авивдаги «Бейт Соколов» журналистлар уйида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлди. Маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташқари олимлар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари, дипломатлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакати тараққиётининг геостратегик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларга, шунингдек, ислом ақидапарастлигининг тарқалиши олдини олиш муаммоларига бўлган қарашлари билан исроил ўқувчисини таништириш ғояси Марказий Осиёнинг йирик давлати билан Исроил ўртасидаги муносабатларга бефарқ бўлмаган барчада жонли қизиқиш уйғотди. Улар қаторида — сиёсатшунос ва дипломатлар, тарихчи ва журналистлар, ишбилармонлар ва иқтисодчилар, Ўзбекистондан чиққан кишилар ва бошқа мамлакат вакиллари бор эди.

Исроилда чоп этилган китобга жаҳонга таниқли олим, исроиллик профессор, тарихчи Яаков Рои сўз боши ёзган. Унинг илмий фаолияти Марказий Осиё мамлакатлари, Афғонистоннинг ижтимоий ва сиёсий муаммоларини ўрганиш билан узвий боғлиқ. Яаков Роининг кўплаб илмий ишлари, китоблари, даврий матбуотдаги мақолалари нафақат олимларда, балки кенг жамоатчиликда жонли қизиқиш билан мутолаа қилинади.

— Жаноб Каримов китобининг иврит тилига таржимаси билан танишиб чиқишни сўраганларида мен иш билан жуда банд эдим, бунинг устига мени операция кутаётган эди, — дея сўзини бошлади профессор Рои. — Лекин, мазкур китобни ўқиб чиққан заҳоти барча кундалик ишларни йиғиштириб қўйдим ва дарҳол мазкур ишга сўз боши ёзишга киришдим. Ўйлашимча, Президент Ислом Каримовнинг китоби замонавий Ўзбекистон, унинг тараққиёт истиқболлари билан қизиққан барча учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Янги ривожланиш босқичидаги давлат етакчиси бўлган муаллифнинг фикрлари, менинг фикримча, шак-шубҳасиз барчанинг диққатини ўзига тортади.

**Лазарь ДАНОВИЧ,**
**исроиллик журналист,**
**махсус «Жаҳон» АА учун.**

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*СОФИЯ. 24 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Болгария Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.*

Расмий музокаралар Уйида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги транспорт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш, давлатларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маданий соҳада ҳамкорлик, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик, автомобилларда халқаро йўналишда йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги Битимлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ҳукуматлари ўртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Меморандум имзоланди.

Ислом Каримов ва Петар Стоянов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Жумладан, Президентларнинг яккама-якка суҳбати ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокараларда кўриб чиқилган масалалар хусусида сўз борди.

Миллий маданият уйида давлатимиз раҳбари Болгария ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов тадбиркорлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида сўзлади. Болгария ишбилармонлари Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни бошқа давлатда учратиш мушкул эканини эътироф этиб, ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантиришга тайёрлик билдиришди.

Ислом Каримовнинг Болгарияга ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**



### ҲИММАТИ ОЛИЙ КИШИЛАР

## СИФАТ — ХАРИДОРГИРЛИК КАФОЛАТИ

Маҳсулотнинг харидоргирлигию буюртмачилар сонининг кун-ма-кун ортиб бориши, аввало, унинг сифатига, қолаверса, буюртмачилар ишончини қозонишга боғлиқ. «Пластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўз иш фаолияти давомида бозор иқтисодиётининг ана шу икки тамойилига амал қилиб кам бўлишмаяпти. Ҳозир корхонада олтмиш турдан зиёд рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилаётир. Корхона маҳсулотларига нафақат Жиззахда, балки республикамизнинг бошқа вилоятларида аҳоли талаби юқори.

Жойларда корхонанинг махсус пунктлари мавжудлиги маҳсулотнинг бир дақиқа бўлсада туриб қолишига йўл бермайди, шунингдек, буюртмачилар сонининг ортиб боришида ҳам муҳим омил бўлаяпти.





**Суратларда: бригада бошлиғи Ҳамиджон Соатов; тайёр маҳсулотлар; илғор ишчи Насиба Холиқулова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

## АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Куни кеча Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Туркманистон» дўстлик жамияти ташкил этилишига бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дўстлик жамиятининг низоми қабул қилинди, жамият бошқаруви ва ревизия комиссияси аъзолари сайландилар. Йиғилишда республика Давлат ўрмон қўмитаси раиси А. Хоназаров жамият раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Солтон Пирмуҳамедов Туркманистон Президенти С. Ниёзовнинг табрик хатини ўқиб эшиттирди.

Ўзбек-туркман халқлари дўстлик жамиятининг ташкил этилиши халқларимиз ўртасидаги иқтисодий, илмий-маданий алоқаларни янада кенгайтиришга, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган қон-қардошлик муносабатларини сақлаш ва бойитишга хизмат қилади, — дейилади табрик хатида.

Ўзбекистон ва Туркманистон дўстлик ва ҳамкорлик борасида мустақиллик йилларида катта ютуқларга эришди. Ҳар иккала давлат манфаатларига хизмат қиладиган иқтисодий алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда, фан, маданият, санъат, маориф, туризм, ахборот алмашиш соҳаларида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН БАНКИ КРЕДИТ АЖРАТДИ

*ВАШИНГТОН. Бу ердан хушхабар келди: шу йил 18 июнь куни Жаҳон банки Ўзбекистонга 28 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга розилик билдирди.*

Бу маблағ хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида алоҳида корхоналарни хусусийлаштириш бўйича ҳукумат дастурини қўллаб-қувватлаш, капитал бозорида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, акционерлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва саноат секторида амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш йўлида қонунчилик базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Ушбу лойиҳа асосан уч қисмдан иборат.

Биринчиси — хусусийлаштиришдан кейинги жараёнда консультация хизмати кўрсатиш. Бунда шундай хизматни тақдим этиш ҳисобига саноат секторида ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам беришни кучайтириш кўзда тутилади. Мақсад акцияларнинг эгалари ташқи хусусий шахслар бўлган корхоналарнинг даромади, умумий меҳнат унумдорлиги, молиявий ва бошқарув самарадорлигини оширишдир. Шу билан бирга, ички ва халқаро консалтинг фирмаларидан иборат консорциумлар қўллаб-қувватланади, уларни жадал ривожлантиришда кўмаклашилади.

Иккинчиси — алоҳида корхоналарни хусусийлаштириш. Бу давлатга қарашли энг йирик корхоналарни самарали ва транспарант жиҳатидан хусусийлаштиришни таъминлайди.

Капитал бозорини ривожлантириш — бу, учинчиси. Маълумки, бундай бозор қимматли қоғозлар маркази, фонд биржалари, миллий депозит муассасаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида ана шу вазифаларни рўёбга чиқаришда турли мамлакатларнинг молия масалалари бўйича банкир-инвесторлари — бой тажрибага эга бўлган етакчи маслаҳатчилари ҳамкорлик қиладилар. Улар уч босқичдан иборат консультация хизматини ҳавола этишади. Ўзлари масъул бўлган компаниялар (ёки компания)нинг даромадлилигига дастлабки баҳо бериш, хусусийлаштириш жараёнини техник-иқтисодий жиҳатдан асосли ўтказиш (бу савдо вариантлари ва нархни ҳам ўз ичига олади), хусусийлаштириш бўйича тендерни ташкил этиш, шулар сирасига киради.

Лойиҳанинг умумий қиймати 47,7 миллион долларга тенг. Ўзбекистон ҳукумати 19,7 миллион доллар ажратади. Кредитни тўлаш муддати — 20 йил.

Ўзбекистон 1992 йилда Жаҳон банкига қўшилган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу банк томонидан ЮСИАнинг 7 лойиҳаси бўйича республикамизга 379 миллион доллар миқдорида кредит берилди.

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

## ИСТИҚЛОЛНИ НОНДАЙ АЗИЗ БИЛГАНЛАР

*Инсон виқорли тоғларнинг чўққилари томон кўтарилар экан, тез-тез ортга назар ташлайди. Кўз олдида босиб ўтган йўли ўзининг бутун шакли-шамойили, бўй-басти билан гавдаланади. Биз бугун севикли Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида ўтмишга айланиб қолган онларни хаёл кўзгусидан ўтказарканмиз, шу табаррук заминда униб ўсаётганимиз, тинч, беғубор осмон остида ҳаёт кечираётганимиз, кўтаринки руҳ, ўзгача иштиёқ билан меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз, қалбимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади.*

*Айниқса, мустақиллик йилларида қад ростлаган мамлакат автомобилсозлигининг фахри — Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, ўнлаб спорт иншоотлари, кенг ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар нафақат андижонликларни, балки бутун юрт аҳлини қувонтирмоқда. Ёнилғи, ғалла қарамлигидан қутилганимиз, пахтачиликдаги ютуқларимиз эса кўпни кўрган хорижликларни ҳайратга солмоқда.*

*Буларнинг барчаси бугунги кунда яшаб, меҳнат қилаётган инсонлар учунгина эмас, балки ўғил-қизларимиз, набираларимизнинг ҳам келажакда фаровон ҳаёт кечиришлари, ҳавас қилса арзигулик Ватан билан фахрланишлари учун хизмат қилажакдир.*

*XXI аср бўсағасида турганлар эса бу янги асрни яна икки муҳим иншоот — «Тошкент-Андижон-Ўш-Саритош-Қашқар» халқаро автойўли ҳамда Марказий Осиёда ягона ва ноёб ҳисобланган Хўжаобод газ омборига эга бўлиш билан кутиб оладилар. Газ омборининг ишга туширилиши водий аҳолисининг «зангори олов»га бўлган талаб ва эҳтиёжини тўла таъминлайди.*

### ЧИРОҚЛАР СУБҲИДАМГАЧА ПОРЛАЙДИ

***«Барча объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари республика штаби томонидан белгиланган режа асосида олиб борилмоқда».***

*(«Андижонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Ш.ҚУТБИДДИНОВ ахборотидан)*

Кейинги икки йилнинг қишли-қировли кунлари андижонликлар учун анча оғир кечди. Совуқ авжига чиққан кунлари газ босими кескин камайиб кетди. Бу ҳол, аввало, тармоқ мутахассисларини, вилоят раҳбарларини ташвишга солди. Табиий газ таъминотидаги узилишларга кескин барҳам бериш, газ босимини меъёрига келтириш, қолаверса, чекка қишлоқларга «зангори олов»ни олиб бориш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масаласига айланди. Республика ҳукумати Андижон вилояти, шу билан бирга Фарғона водийси аҳолисини етарли миқдорда газ билан таъминлаш мақсадида Хўжаобод туманида ер ости газ омбори қуришга қарор қилди.

Бу ерда ана шу муҳим иншоотни белгиланган муддатда ишга тушириш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари олдида турган вазифаларни мувофиқлаштириб борувчи республика штаби ташкил этилди. Штаб йиғилишларида мазкур йирик иншоотга хизмат қилувчи шохобчаларни қуриб битказиш, чет элдан келтирилаётган ноёб асбоб-ускуналарни ўрнатиш, созлаш, синовдан ўтказиш билан боғлиқ масалалар мунтазам муҳокама этиб борилаётир.

Шу кеча-кундузда эса ўнлаб қудуқлар газ қабул қилишга тайёрланмоқда. Авваллари қарийб икки минг метр чуқурликдаги ер қаърига жойлашган ана шу бўшлиқдан нефть олинган эди. Эндиликда улар қудратли механизмлар ёрдамида турли чиқиндилардан тозаланмоқда. Катта ҳажмдаги ғоят мураккаб ишларни бажариш учун Қўқон пармалаш бошқармаси, Намангандаги Мингбулоқ нефть конида бой тажриба орттирган мутахассислар жалб этилган. Уларга «Бухорогазсаноатқурилиш» трести, «Андижонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, Андижон автокомбинати, Асака, Куйганёр, Хонободдаги темир-бетор буюмлари корхонаси, Хўжаободдаги ғишт заводи сингари 40 дан ортиқ ташкилот яқиндан ёрдам бераётир.

(Давоми 2-бетда)

## ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раёсатининг ижроия қўмитаси Миллий матбуот байрами арафасида мамлакат оммавий ахборот воситаларида касаба уюшмалари фаолиятини энг яхши ёритганлик учун ижодий кўрик-танлов натижаларини қараб чиқди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мулк хилма-хиллиги шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш борасидаги серқирра фаолиятини ёритиш борасидаги ижодий изланишлари учун бир қатор ижодий жамоалар Федерация кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари муҳарририяти — биринчи мукофотга лойиқ топилди. Ўзбекистон Телевидениесининг «Ахборот» бош муҳарририяти, «Тошкент оқшоми» ва Андижон вилояти «Ҳимоя» газеталарининг муҳарририятлари иккинчи мукофотга сазовор бўлишди. Учинчи мукофотлар «Ўзбекистон қанотлари» — «Крылья Узбекистана», «Темирйўлчи», «Меҳнат ва туризм» (Қашқадарё) ва «Мулоқот» газеталарининг муҳарририятларига берилди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида касаба ташкилотлари фаолиятини, уларнинг янгича иш услубларини ёритишга изчил ва ижодий ёндошганликлари учун бир гуруҳ журналистлар фахрий ёрлиқлар ва Ўзбекистон санаторийларига бепул йўлланма билан тақдирландилар. Ўзбекистон радиоси «Машъал» бош муҳарририятининг катта мухбири Комила Маликова, «Народное слово» газетаси муҳарририятида бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган Леонид Николаевич Сон, «Ишонч» газетасининг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири Обиджон Жуманазаров, «Ўзбекистон қанотлари» — «Крылья Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, «Темирйўлчи» газетасининг мухбири Галина Пилипенко шундай мукофотларга сазовор бўлдилар.

## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

**Республикамиздаги барча почта алоқа бўлимларида ва "Матбуот уюшмаси" акциядорлик жамиятларида 1998 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарига обуна қабул қилиш давом этмоқда.**




**Нашр кўрсаткичлари:**

| | Якка обуначилар учун | Ташкилотлар учун |
|---|---|---|
| "Халқ сўзи" | 229 | 230 |
| "Народное слово" | 166 | 167 |

**Обуна нархларини почта алоқа бўлимларидан ва матбуот тарқатиш уюшмаси жамиятларидан билиш мумкин.**

## УШБУ СОНДА:

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1225 ЙИЛЛИГИГА
МАНГУЛИККА ДАХЛДОР



МУЛОҲАЗА
ЭРТАНГИ КУН УЧУН ЯШАМОҚ КЕРАК — 2-бет

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА
ЧЕМПИОННИНГ ЕНГИЛИШИ

МУТОЛАА
МИНГ ЙИЛЛИК МАЪНАВИЯТ ТАДҚИҚИ — 4-бет

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА 1998 ЙИЛДА АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАЛАРГА

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

## В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Математик анализ; Дифференциал тенгламалар; Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-56-94.

## ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Назарий физика; Қаттиқ жисм физикаси; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Ядро ва элементар зарралар физикаси; Аналитик кимё, радио кимё ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Қаттиқ жисм физикаси; Назарий физика; Ядро ва элементар зарралар физикаси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: Назарий физика; Қаттиқ жисм физикаси ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек қўрғони.

Қабул комиссияси телефони 64-15-52.

## У. ОРИФОВ НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Физикавий электроника; Қаттиқ жисм физикаси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Физикавий электроника ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 33-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-79-40.

## ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

Аспирантурага: Қаттиқ жисм физикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; Лазер физикаси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 29-уй.

Қабул комиссияси телефони 76-44-57.

## С.АЗИМОВ НОМИДАГИ «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Қаттиқ жисм физикаси; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Ядро ва элементар зарралар физикаси; Қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Ғ.Мавлонов кўчаси, 26-уй.

Қабул комиссияси телефони 33-12-71.

## М.УЛУҒБЕК НОМИДАГИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Астрономия ва коинот механикаси; Астрофизика, радиоастрономия ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Астрономия ва коинот механикаси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Астрономия кўчаси, 33-уй.

Қабул комиссияси телефони 35-06-38.

## «АКАДЕМАСБОБ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Физикавий электроника; Оптика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони 62-72-73.

## М.Т.ЎРАЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Механизмлар ва машиналар назарияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси.

Қабул комиссияси телефони 62-71-32.

## «КИБЕРНЕТИКА» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Биология ва тиббиёт тизимларида бошқарув; Ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш ихтисосликларига (кундузги бўлим). Техника тизимларида бошқарув; Ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш ихтисосликларига (сиртқи бўлим). Докторантурага: Алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 34-уй.

Қабул комиссияси телефони: 62-72-47.

## ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Саноат иссиқлик энергетикаси (кундузги бўлим).

Техника тизимларида бошқарув; Саноат иссиқлик энергетикаси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони 62-05-22.

## СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси; Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё; Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Я.Колас кўчаси, 24-уй.

Қабул комиссияси телефони 33-83-88.

## Ҳ.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Геофизика ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Н.Ҳожибоев кўчаси, 49-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-65-16.

## Ғ.МАВЛОНОВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Геофизика; Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, М-12, Хуршид кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони 41-50-70.

## ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Органик кимё, Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; Фармокология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 77-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-59-13.

## ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Композицион материаллар кимёси ва технологияси; Юқори молекуляр бирикмалар кимёси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Юқори молекуляр бирикмалар кимёси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«б» уй.

Қабул комиссияси телефони 41-70-80.

## А.СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 83-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-70-62.

## КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Физикавий кимё; Рангли ва ноёб металлар металлургияси; Экология; Ноорганик моддалар технологияси; Минерал ўғитлар технологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим). Нефть кимёси; Кимёвий технология ускуналари ва жараёнлари; Ноорганик моддалар технологияси ихтисосликларига (сиртқи бўлим)

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77-«а» уй.

Қабул комиссияси телефони 62-56-60.

## МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Микробиология; Биотехнология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Биотехнология ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«б» уй.

Қабул комиссияси телефони 44-25-19.

## БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ботаника ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлимларга).

Докторантурага: Ботаника ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-70-65.

## БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биокимё; Ҳужайра биологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Биокимё ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-24-41.

## ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Биофизика; Одам ва ҳайвонлар физиологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Қабул комиссияси телефони 46-95-17.

## ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Тупроқшунослик; Агротупроқшунослик ва агрофизика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Тупроқшунослик: Агрокимё ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: Тупроқшунослик ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони 46-02-63.

## ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Зоология; Паразитология ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлимларга).

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Қабул комиссияси телефони 46-09-00.

## ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Генетика; Молекуляр генетика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Генетика ихтисослигига.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқориюз қишлоғи.

Қабул комиссияси телефони 64-23-90.

## ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Онкология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлимларга).

Докторантурага: Онкология ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 383-уй.

Қабул комиссияси телефони 46-05-12.

## ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Эндокринология ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-27-02.

## ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Вирусология, Юқумли касалликлар, Эпидемиология ихтисосликларига (кундузги бўлимларга).

Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 7-уй.

Қабул комиссияси телефони 24-83-26.

## ИММУНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Аллергология ва иммунология ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Ҳамза тумани, Гогол кўчаси, 74-уй. Қабул комиссияси телефони 33-08-55.

## ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ватан тарихи; Этнология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Ватан тарихи: Этнология ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-38-73.

## А.НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; Адабиёт назарияси; Фольклоршунослик; Миллий тиллар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Миллий адабиёт тарихи; Фольклоршунослик ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-42-47.

## А.БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Умумий тарих; Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари; Адабий манбашунослик ва матншунослик; Туркий тиллар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Адабий манбашунослик ва матншунослик; Туркий тиллар ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 81-уй.

Қабул комиссияси телефони 61-54-61.

## А.НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Аспирантурага: Адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй.

Қабул комиссияси телефони 41-02-75.

## И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Диалектика ва билиш назарияси; Фалсафа тарихи; Ижтимоий фалсафа; Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихий сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; Фуқаролик ҳуқуқи; Оила ҳуқуқи; Фуқаролик жараёни; Халқаро хусусий ҳуқуқ; Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; Экологик ҳуқуқ; Жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминология; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Диалектика ва билиш назарияси; Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихий сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони 62-38-87.

## ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Иқтисодий назария; Макроиқтисодиёт ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Иқтисодий назария; Макроиқтисодиёт ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: Макроиқтисодиёт ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Ҳамза тумани, Боровский кўчаси, 5-уй.

Қабул комиссияси телефони 33-14-78.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

## ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

Аспирантурага: Иқтисодиёт ва статистика ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳ кўчаси, 179-«а» уй.

Қабул комиссияси телефони 7-22-10.

## БИОЭКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ботаника; Зоология; Биотехнология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Ботаника ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: Нукус, Бердах шоҳ кўчаси, 41-уй.

Қабул комиссияси телефони 7-17-13.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ТАЖРИБА КЛИНИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Онкология ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳ кўчаси, 185-уй.

Қабул комиссияси телефони 7-82-81.

## ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ватан тарихи; Археология; Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Ватан тарихи ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: Ватан тарихи ихтисослигига.

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳ кўчаси, 179 «а» уй.

Қабул комиссияси телефони 7-22-60.

## Н. ДАВКОРАЕВ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; фольклоршунослик (кундузги бўлим).

Ҳозирги миллий адабиёт; Фольклоршунослик ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳ кўчаси, 179-«а» уй.

Қабул комиссияси телефони 7-82-51.

## ТАБИИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКСИ

Аспирантурага: Қаттиқ жисм физикаси; Органик кимё; Коллоид ва мембрана кимёси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Нукус, Бердах шоҳ кўчаси, 41-уй.

Қабул комиссияси телефони 7-18-03.

## САМАРҚАНД БЎЛИМИ БЎЙИЧА :

## МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Математик анализ; Математик физика; Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; Полимерлар физикаси; Паразитология; Ватан тарихи; Умумий тарих; Макроиқтисодиёт; Миллий адабиёт тарихи; Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; Болалар хирургияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: Математик физика; Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Иқтисодий назария; Макроиқтисодиёт; Болалар хирургияси ихтисосликларига.

Манзил: Самарқанд, Темур Малик кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони 33-39-50.

## АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: Археология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлимларга).

Докторантурага: Археология ихтисослигига.

Манзил: Самарқанд, В. Абдуллаев кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони 32-15-13.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Аспирантура ва докторантураларга иқтидорли ёшларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

**ҲУЖЖАТЛАР ИККИ БОСҚИЧДА 20 ИЮНДАН 25 АВГУСТГАЧА ВА 1 СЕНТЯБРДАН 20 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Кириш имтиҳонлари 21 октябрдан 15 декабргача танлов асосида ўтказилади.

Аспирантурага кирувчи олий маълумотли мутахассислар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. *Мутахассислик;*
2. *Фалсафа;*
3. *Чет тилларидан бири;*
4. *Ўзбекистон тарихи;*
5. *Информатика.*

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлардан олдин топширилади.

Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий-тадқиқот институти илмий кенгашининг қарорига биноан дифференциал равишда ўқишга тавсия қилинадилар.

## АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА КИРУВЧИ НОМЗОДЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

– Илмий-тадқиқот институти (илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси) раҳбари номига ариза;

– Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол;

– иш жойидан тавсиянома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);

– матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар рўйхати ва илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар (белгиланган шакл бўйича); илмий ишлари ва ихтиролари эълон қилинмаган номзодлар танланган мутахассислик бўйича илмий маърузалар (рефератлар) тақдим этадилар;

– олий ўқув юртини жорий йилда тугатган номзодлар институт (факультет) илмий кенгаши қароридан кўчирма;

– номзодлик имтиҳонларини топширганлиги (бор бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома;

– олий маълумот тўғрисида ва фан номзоди дипломи нусхаси (докторантурага кирувчилар учун);

– тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа лойиҳаси;

– меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

– 086 шаклдаги тиббий маълумотнома;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Бошқа шаҳарлардан келган номзодлар илмий муассаса ҳисобидан ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) аспирантурага 30 ёшгача бўлган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган (сиртқи) аспирантурага 35 ёшгача бўлган олий маълумотли мутахассислар ёки магистрлар, олий ўқув юртлари, илмий муассасаларда ишловчи ва илмий ишга қобилиятли ёшлар қабул қилинади.

Аспирантурага кириш истагини билдирган ёш мутахассислар олий ўқув юртини тугатганларидан кейин танланган мутахассисликлари бўйича камида бир йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлишлари шарт.

Аспирантурага кирувчи номзоднинг мутахассислиги олий ўқув юрти мутахассислигига мос келган бўлиши шарт ҳамда баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи «4» (тўрт)дан паст бўлмаслиги лозим.

Хорижий давлатлар фуқаролари ЎзР ФА Президиуми белгилаган Низом асосида битим тузиш орқали қабул қилинади. Аспирантурага киришда хорижий фуқаролар кириш имтиҳонлари топширмайдилар.

Докторантурага, одатда, ўзи танлаган соҳада докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, ўзини истиқболли илмий ва илмий-педагогик ходим сифатида намоён қилган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим халқ хўжалиги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган 45 ёшдан ошмаган фан номзодлари қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи илмий ходимни мутахассислиги номзодлик диссертацияси мутахассислигига мос келиши ҳамда докторлик диссертацияси камида 50 фоиз ҳажмда бажарилган бўлиши лозим.

Қабул комиссияларининг қарорлари аспирантура ва докторантурага кирувчиларга бир ҳафталик муддатда маълум қилинади.

